

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 108-ҳадис

108 – التَّاسِعُ: عَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةً، فَأَطَالَ حَتَّى هَمَمْتُ بِأَمْرِ سُوءٍ، قِيلَ: وَمَا هَمَمْتَ بِهِ؟ قَالَ: هَمَمْتُ أَنْ أَجْلِسَ وَأَدْعُهُ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ  
1135، م 773].

108. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир кеча Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқидим. Жуда узоқ ўқидилар, ҳатто бир ёмон ишни қилишни қасд қилдим», деди. «Нимани қасд қилдингиз?» дейишган эди, у киши: «Ўзим ўтириб, у зотни тик қолдириш эди», дедилар.

*Муттафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Буюк имомлар олдида одоб сақлаш, модомики ҳаром бўлмаса, сўз ва амалда уларга муҳолиф бўлмаслик лозимлиги келиб чиқмоқда. Агар иқтидо қилувчига машаққат туғилса, тик туриб ўқишдан ожиз қолса, ўтириб олиши жоиздир. Бу ерда Ибн Масъуд розияллоху анху Расулуллоҳ с.а.в.га нисбатан одоб юзасидан ўтириб олмадилар.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVAT MARVARIDLARI

